

**“ШАХРИСАБЗ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ  
ЙИГИЛИШИ  
1-СОН БАЁННОМАСИ**

Кашқадарё вилояти,  
Шахрисабз тумани, Ипак йўли кўчаси,  
110-уй

2021 йил 17 май

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Қашқадарё вилояти, Шахрисабз тумани, Ипак йўли кўчаси, 110-уйда “Шахрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **08:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – **1 414 512**.

“Шахрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият Кузатув кенгаши томонидан 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилиши белгиланган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана - 2021 йил 10 май.

Жамият кузатув кенгашининг раиси Ш.Абдужаббаров йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Абдужаббаров Шерали Янгибоевич-жамият кузатув кенгаши бошлиғи; - Йиғилишда раислик қилувчи;

2. Жумаев Акмал Ярашович - “Қашқадарёпахтасаноат худудий бирлашмаси акциядорлик жамияти тугатиш комиссияси бош ҳисобчиси;

3. Худойбердиев Аъзам Бобохонович – жамият бош директори;

Йиғилиш раёсати аъзоси А.Жумаев малака ва тажрибага эга бўлган Ш.Я.Абдужабборовни йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи А. Амировни йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб Ш.Я.Абдужаббаров ва йиғилиш котиби этиб А.Амиров сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Я.Абдужаббаров очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси З.Садуллаевга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2021 йил 10 май ҳолатига шакллантирилган “Шахрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 649 та акциядорга тегишли 1 414 512 дона акциялар қатнашиши мумкин.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 1 240 896 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 30 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 87,73% ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

А.Худойбердиев—жамият бош директори;

З.Садуллаев —жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори;

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Я.Абдужабборов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

### **КУН ТАРТИБИ:**

1. Умумий йиғилишининг регламенти ва санок комиссияси аъзолари тартибини тасдиқлаш.

2. “Шахрисабз пахта тозалаш” АЖнинг акциядорларнинг 2020 йил 07 декабрда жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги тўртинчи масаласи бўйича қабул қилинган (Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш, Жамият Устав фондини ошириш, Жамият Уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш) қарорларини бекор қилиш ва “Шахрисабз пахта тозалаш” АЖнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш масаласини жамият акциядорларининг 2020 йил якунлари бўйича умумий йиғилишида кўриб чиқиш тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш.Я.Абдужабборов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 2 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига-5(беш) дақиқадан, муҳокама учун-5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини таъкилади.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2021 йил 22 апрелдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи –Амиров Анваржон Олимович, бош ҳисобчи – Садуллаев Зухридин Ғуломович ва Бош механик – Исматов Шухрат Нуъмонович номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан Умумий йиғилишининг регламенти ва санок комиссияси сони ҳамда тартибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ўқлаганлар” – 1 240 896 та овоз (100 фоз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти ва уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:**

- 1) А.О.Амиров;
- 2) З.Ғ.Садуллаев;
- 3) Ш.Н.Исмаатов.

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** – йиғилишда раислик қилувчи Ш.Я.Абдужабборов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини “Шахрисабз пахта тозалаш” АЖ Бош директори А.Б.Худойбердиевнинг 2021 йил 7 апрелдаги 98-сонли мурожаати билан таништирди.

Мурожаатда қуйидагилар баён этилган:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги 744-сонли қарорига кўра “Шахрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамияти мол-мулки “Оқсарой текстил” МЧЖга 2019 йил 03 октябрда 15-сонли олди-сотди шартномасига кўра 23 842 839,0 минг сўмга 5 йил давомида тўлаб бериш шarti билан сотилган. (Шартнома ва тўлов графиги илова қилинади).

Жамият томонидан 23 842 839,0 минг сўм 2019 йил даромадига олинган ва жамият 18 480 428,0 минг сўм соф фойда билан йилни яқунлаган (бухгалтерия балансининг 2-шакли Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи).

“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш бўйича лойиҳа офиси раҳбари А.Норбоевнинг 2020 йил 26 июндаги АН/183-сонли хатига асосан 2020 йил 26 июнда 2019 йил яқунлари бўйича ўтказилган акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятнинг 2019 йил яқунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш масаласи овоз бермасдан жамиятнинг навбатдаги умумий йиғилишига қолдирилган.

“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш бўйича лойиҳа офиси раҳбари А.Норбоевнинг 2020 йил 06 ноябрдаги АН/689-сонли хатига кўра жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлашда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш учун кузатув кенгашининг 2020 йил 11 ноябрда йиғилиши бўлиб ўтган ва ушбу йиғилишда жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2020 йил 07 декабрда белгиланиши ҳамда жамиятнинг ўтган йиллардаги ва 2019 йил яқунлари бўйича олинган соф фойдасининг 20 фоизи акциядорлар учун дивиденд тўлаб беришга, 2 фоизи кузатув кенгаши, ижроия органи раҳбари ва тегишли мутахассисларни рағбатлантиришга, 78 фоизи тақсимланмаган фойда сифатида йил яқунлари бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига қолдиришга тавсия берилган.

“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш бўйича лойиҳа офиси раҳбари А.Норбоевнинг 2020 йил 07 ноябрдаги АН/692-сонли хатига кўра жамиятнинг

ўтган йиллардаги ва 2019 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини қонунчиликда белгиланган мажбурий ажратмалар(заҳира фонди)дан ташқари қолган қисмини уларнинг устав фондига капитализация қилиш, кейинчалик қўшимча акциялар чиқарган ҳолда акциядорлар ўртасида тақсимлаш юзасидан овоз бериш бўйича кўрсатма берилган.

2020 йил 07 декабрда жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида 18 480 428,0 минг сўми 5 фоизи – 924 021,4 минг сўм заҳира фондига, 95 фоизи – 17 556 406,63 минг сўм ва ўтган йиллардан қолган 1 620 101,7 минг сўм жами 19 176 508,33 минг сўмнинг 15 149 423,52 минг сўми жамиятнинг устав фондиди унинг ўз капитали хисобидан кўпайтириш учун йўналтириш, жумладан Жамият устав фондиди кўпайтиришга 14 428 022,4 минг сўм, дивидент солиқ тўловига 5% - 721 401,12 минг сўм, қолган 4 027 084,81 минг сўм Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси талабларига асосан жамият устав фондиди кўпайтиришга етарли бўлмаганлиги сабабли, тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдириш ҳамда жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Жамият уставининг 29-бандига асосан қўшимча чиқарилиши мумкин бўлган акцияларнинг энг кўп миқдори номинал қиймати 3400 сўм бўлган 3 536 280 та умумий қиймати 12 023 352,0 минг сўм миқдорида белгиланган, яъни устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилган суммадан кам бўлганлиги учун 2020 йил 07 декабрдаги акциядорларнинг навбатдан ташқари ўтказилган йиғилиши қарори ижроси бажарилмаяпти.

Шу билан бирга, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 60-моддаси талабларига зид равишда акциядорлик жамияти ациядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган куйидаги қарорлар қабул қилинган:

Жамият Устав фондиди ошириш;

Жамиятнинг устав фонди ўзгарганлиги сабабли, жамият Уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Шунингдек, Кузатув кенгаши раиси Ш.Я.Абдужаббаров томонидан “Шахрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамияти ва “Оқсарой текстил” МЧЖ ўртасида 2019 йил 03 октябрдаги 15-сонли Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг 3.5-бандига асосан “Объект” топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилган вақтдан бошлаб “Объект”га нисбатан эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи “Сотиб олувчи”га “тасарруф этиш” ҳуқуқисиз ўтиши ва мазкур шартноманинг 4.1-банди билан сотиб олувчи тўловга қобилиятсиз деб топилган ёки белгиланган тўловлар тўланмаган тақдирда сотувчи шартномани муддатидан олдин бир томонлама бекор қилиши ҳамда мулкни қайтариб ҳуқуқи белгилаб қўйилганлигини, кўчмас мулкни сотиш шартномасининг 2-иловасидаги тўлов графиги асосан сотиб олувчи томонидан мулк қийматини 5 йил мобайнида ойма-ой тенг қисмларда тўлаб бериши белгиланганлиги, 2019 йилда сотиб олувчи томонидан 1 402 519 952 сўм тўлов

амалга оширилганлиги ва Жамият томонидан қўшимча қиймат солиғи ва фойда солиғи Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг тўлиқ суммасидан тўланганлиги айтиб ўтилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб жамият мулкни сотишдан олган соф фойдасини ҳар йили сотиб олувчи томонидан тўлов амалга оширилгандан кейин тақсимлаш мақсадга мувофиқлиги таъкидлаб ўтилди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 1 240 896 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖнинг акциядорларнинг 2020 йил 07 декабрда жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги тўртинчи масаласи бўйича қабул қилинган (Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш; Жамият Устав фондини ошириш; Жамият Уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш) қарорларини бекор қилинсин ва Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш масаласини Жамият акциядорларининг 2020 йил якунлари бўйича умумий йиғилишида кўриб чиқилсин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Абдужаббаров акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:

Ш.Абдужаббаров

Йиғилиш котиби:

А.Амиров

Йиғилиш баённомаси 2021 йил 17 март куниники икки нусхада тузилди.